

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Қулматова Дурдона Ҳасан қизи

Аннотация: Мазкур мақола Ўзбекистонда инвестицион муҳитни ривожлантиришнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган. Унда мамлакатда инвестицияларни жалб қилиш, уларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратишда мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари таҳлил қилинади. Мақолада молиявий бозорларни ривожлантириш, банк тизими фаолиятини такомиллаштириш, давлат-хусусий шериклик механизмларини кенгайтириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: Инвестиция, молиявий механизмлар, инвестицион муҳит, тўғридан-тўғри инвестициялар, портфель инвестициялари, банк тизими, давлат-хусусий шериклик.

Annotation: This article is devoted to the issues of improving financial mechanisms for the development of the investment environment in Uzbekistan. It analyzes existing problems and ways to overcome them in attracting investments, increasing their efficiency, and creating favorable conditions for investors in the country. The article proposes suggestions for developing financial markets, improving the banking system, expanding public-private partnership mechanisms, and attracting foreign investments.

Keywords: Investment, financial mechanisms, investment environment, foreign direct investments, portfolio investments, banking system, public-private partnership.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири инвестицион муҳитни тубдан яхшилаш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобланади. Бу борада қабул қилинган кўплаб қарорлар ва фармонлар, жумладан, 2017 йил 22 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йиллардаги тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги ПҚ-3243-сонли қарор, 2018 йил 2 августдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5495-сонли Фармон, шунингдек, 2019 йил 24 январдаги "Инвестиция ва ташқи савдо

соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5640-сонли¹ Фармон¹ мамлакатимизда инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш учун ҳуқуқий базани мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мазкур қарор ва фармонлар асосида яратилган имтиёзлар, преференциялар ва инвестицион кафолатлар инвесторлар учун ишончли ва жозибадор муҳитни шакллантиришга қаратилган. Шу билан бирга, инвестиция жараёнларини жадаллаштириш ва инвестицион фаолликни оширишда молиявий механизмларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Асосий қисм. Ўзбекистонда инвестицион муҳитни ривожлантиришнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш кенг қамровли ёндашувни талаб этади. Бу борада энг аввало, молиявий бозорларнинг чуқурлашуви ва диверсификациясига эътибор қаратиш зарур. Фонд бозорини ривожлантириш, хусусан, корпоратив қимматли қоғозлар эмиссиясини кенгайтириш ва уларнинг ликвидлилигини ошириш инвестиция ресурсларини сафарбар этишда муҳим ўрин тутди. Шунингдек, давлат қимматли қоғозлари бозорини ривожлантириш орқали ҳам ички ва ташқи инвесторларни жалб қилиш имкониятлари мавжуд.

Бунда облигациялар, векселлар ва бошқа молиявий инструментларнинг жозибадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Банк тизими инвестицияларни молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлиб қолаётганлиги сабабли, унинг барқарорлиги ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш керак. Тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги иштирокини кенгайтириш, уларнинг кредит портфелини диверсификация қилиш, шунингдек, янги молиявий хизматлар ва маҳсулотларни жорий этиш орқали инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш муҳим. Микрокредитлашни ривожлантириш ҳам кичик ва ўрта бизнес субъектларининг инвестицион фаолиятини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) механизмларини кенгайтириш инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда давлат ва хусусий сектор ресурсларини бирлаштириш имконини беради. Йирик инфратузилма лойиҳаларини ДХШ асосида амалга ошириш давлат бюджетига юкламаларни камайтириш билан бирга, хусусий инвестицияларни жалб этиш учун янги имкониятлар очади. Бунда қонунчилик базасини такомиллаштириш, шартномавий муносабатларни аниқлаштириш ва ДХШ лойиҳалари учун кафолатлар бериш муҳим аҳамиятга эга².

¹ Lex.uz

Хорижий инвестицияларни жалб қилишда инвестицион муҳитнинг жозибadorлигини ошириш асосий омилдир. Бунда солиқ тизимини соддалаштириш, божхона тартиботларини оптималлаштириш, ер ажратиш жараёнларини тезлаштириш ва инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш зарур. Шунингдек, халқаро арбитраж механизмларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш хорижий инвесторларнинг Ўзбекистонга бўлган ишончини оширади. Рақамли технологияларни жорий этиш орқали инвестиция жараёнларини шаффофлаштириш ва бюрократик тўсиқларни камайитириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса

Ўзбекистонда инвестицион муҳитни ривожлантиришнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш мамлакат иқтисодиётини барқарор ўсишини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Молиявий бозорларни ривожлантириш, банк тизими фаолиятини такомиллаштириш, давлат-хусусий шериклик механизмларини кенгайтириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали инвестицион фаолликни ошириш мумкин. Бу эса ўз навбатида, янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Келгусида инвестицион муҳитни янада яхшилаш бўйича изчил ислохотларни давом эттириш, халқаро тажрибани ўрганиш ва жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 августдаги ПҚ-3243-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йиллардаги тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-537-сонли Қонуни.
3. Каримов А.И. Инвестициялар ва молиявий бозорлар. – Тошкент: Иқтисодиёт-Молия, 2021. – Б. 125-130.
4. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров И.Т. Инвестициялар назарияси ва амалиёти. – Тошкент: Молия, 2019. – Б. 80-85.
5. IMF Country Report No. 20/203. Republic of Uzbekistan: Staff Report for the 2020 Article IV Consultation. – Washington D.C.: International Monetary Fund, 2020. – P. 35-38.